

LINGUCULTUROLOGICAL ASPECTS OF STUDYING THE MEANING OF WORDS

SCHOLASTICO-2021

Gafurova Mavluda Botirjon kyzy

Kokand DPI English language and literature

teacher of the department

Annotation:

The conceptual worldview is an important condition for the life of a biosocial person. Throughout his conscious life, man repeatedly appeals to the categories of conceptual worldview, uses, accepts, contributes to change, and improves. (See: Ufimieva NV 1996, Yakovenko EB 1999, Chomsky N.1968)



Концептуал дунёқараш биосоциал мавжуд бўлган инсоннинг ҳаёт фаолияти учун муҳим шартдир. Инсон ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида концептуал дунёқарашнинг категорияларига қайта –қайта мурожаат қилади, фойдаланади, қабул қилади, ўзгаришига ҳисса қўшади, мукамаллаштиради. (Қаранг: Уфимиева Н.В. 1996, Яковенко Э.Б. 1999, чомски Н.1968).

Лингвокультурологик фон ёки дунёқарашнинг таркиб топиши узоқ тарихий жараён у ибтидоий архаик босқичдан замонавий илмий босқичгача узоқ масофани ўтган. Узоқ ўтмишда аждодларимиз дунё ва унинг яралиши ҳақида ҳозирги илмий назариядан йироқ фикрда бўлганлар. Турли халқларнинг мифологик дунёқарашни бунга мисол бўлади.

М.Ҳолиқова лингвомаданий билим асосида шаклланган дунёқарашларни моҳиятига, бир қанча турларга бўлади;

- ҳар бир инсоннинг шахсий тажрибаси орқали вужудга келган дунёқараш;
- муайян тил доирасида вужудга келган лисоний дунёқараш;
- барча индивидлар учун ягона бўлган концептуал дунёқараш.

Дунёқарашнинг миллий хусусияти, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг муайян тил доирасида чегараланиши билан бўглик. Ҳар бир лингвомаданий жамоада таркиб топган метафоралар, стереотиплар, эталонлар фақат бир тилга ҳос бўлган хусусийликка олиб келади. Масалан, яхши билмоқ, маъноси ўзбек, чех ва француз тилларида мос равишда “беш панжасидай билмоқ”, “ўз кармонидай билмоқ”, “ўз ботинкасидай билмоқ” тарзда ифодаланади.

Шундай қилиб, лингвокультурологик фон, модель ва концептуал картина, яни муайян тил доирасидаги дунёни англаш ва умумий дунёқараш ўртасидаги мураккаб ва чексиз давом этадиган муносабатлар мавжуд¹.

Миллий ўзига ҳос, субъектив маъноли умуминсоний тушунчалар билан бирлаштириш учун барибир оралиқ босқичларни босиб ўтиш талаб этилади, яъни “ички модель” ни “умуминсоний модель”га айлантириш зарурати қандайдир фикрий трансформация фазасини талаб этади. Л.Вайсербегнинг фикрича, лингвистик маъно оралиқ дунё ролини ўтайди. (Қаранг; Ашурова Д.У.2003, Бобохонова Л.Г.1995, Бодуен де Куртене 1993, Вежбицкая А.1997).

В.А.Звегинцевнинг фикрича, “Билиш жараёни бу фикрнинг фаолияти бўлиб, у онгда тажриба орқали берилган дунёни ички моделини яратишга қаратилган. Бу ўринда тил мулоқот фаолияти жараёнида бу моделни объективлаштиради, уни мулоқотнинг асосига айлантиради. Мазмуний маъно фикрлаш актининг натижаси сифатида юзага келади. Унинг воситасида инсон у ёки бу нарсани ўзининг ички дунёси билан алоқага киритади, тил ёрдамида эса, бошқа одамлар ички

¹ Qarang M.Holiqova Milliy mentalitet va uning til kartinasi bilan o'zaro bog'liqligi-"Til va adbiyot ta'limi"-2002, 6-son 23-27 betlar

моделлари билан алоқани таъминлайди. Шу йўсинда у ёки бу тилда кузатиладиган дунёнинг лингвистик модели пайдо бўлади².

Хеч қандай тарихий ҳамда фактик материал бўлмаган жойда айрим тадқиқотчилар “инсон даставвал борлиқни кузатиш, кўриш орқали олган тажрибасини лингвистик жиҳатдан тизимлаштирган” деб уқтириб, бу фикрни улар жаҳон тилларида мавжуд бўлган мифологик материал ҳамда ривожланмаган тиллар материални исбот тариқасида келтиришга уринадилар. Объектив борлиқни билиш билан чамбарчас боғлиқ илмий инъикос модели ўтиш босқичидан иборат бўлиб, ундан кейин борлиқни бадиий йўл билан ифодалаш келади-ки, бу нарса тилнинг тўла шаклланиб бўлганлигидан дарак беради. Тарихга мурожаат қилиш бу ҳолатларда умумий ғояни тасдиқлаш, кучайтириш учун қўлланиладиган далиллардан бири бўлиб хизмат қилиши керак. (Қаранг: Виноградов В.В. 2003, Вольф Э.М. 2002, Воробев В.В. 1996, Гак В.Г. 1977, Гаффарова Г. 1997)

Бу ҳолатда тил ўз лингвокультурологик моделининг яратувчиси сифатида намоён бўлиши керак ва унинг оқибатида у “лисоний билиш” нинг мустақил кучига айланиши керак. Бу нарса эса дастлабки ҳукм, яни онгнинг моддий шаклидир, деган тасдиққа мос келмайди. Тилнинг субъектив характери билишнинг ҳал қилувчи кучига айланиб қолади, унинг структураси эса имманент, моҳияти эътибори билан ирсий, туғма берилган нарса бўлиб чиқади. Ахборот, ўй-фикрлар, объектив борлиқ ҳақидаги билимларни яратиш ва узатиш вазифасини бажаришга қаратилган. Тил тизими ўзида борлиқни билиш жараёнида пайдо бўлган мана шу лисоний умумийликни ўз ичига олади. Тилда ифода қилинаётган тушунчалар тизими тушунчаларнинг шундай мураккаб алоқаларини ифода қиладики, улардан комплекс тарзда фойдаланиш инсон фикри мазмунини турли йўллар билан, яъни содда ва тасвирий таърифлар ёрдамида бера олиш имконини беради. Мана шу нарсада тилнинг ўзига хос хусусияти, яни тил –фикрни шакллантириш қуроли, тил нафақат билимларни сақлаш воситаси, балки тафаккурнинг уни бор тараққиёти динамикаси билан ифода этиш усули ҳам бўла олади. Семантик нуқтаи назардан турли миллий тиллар “умуминсоний тушунчалар” номиллий таркибини, потенциал жиҳатдан ягона бўлган умуминсоний маданият – цивилизацион бутунликнинг турли вариантлари бўлиб чиқади. (қаранг; Гуҳман М.М. 1985, Демьков В.З. 1994, Джусупов Н.2006, Караулов Й.1972)

Ўзини тартибга соладиган, икки тарафлама характерга эга бўлган белгилар тизими сифатида намоён бўлган ва ўзининг комплекс қўлланишида фикрни шакллантириш ва узатиш учун хизмат қиладиган тил системасини “борлиқнинг лисоний тасвири” деб мутлақо қараб бўлмайди. Дунёнинг тасвирини билим яратади, тил эмас.

Бунга қатиъроқ ёндашилса, келтирилган тасвир фақатгина идеал равишда тўла матн, яъни универсал тил ёрдамида яратилиши мумкин. Миллий тилларнинг концептуал системаларини билиш натижаларнинг “тўғрилиги бўйича соддалаштириб бўлмайди. Бу системаларни эса инсоннинг ягона универсал тилига кирувчи турли вариант деб қаралади ва уларнинг мазмуни тарихий жиҳатдан олганда нотўқисликдан ҳоли бўлмайди. (Қаранг; Карасик В.И. 2001, Кибрик А.А. 1994, Кубрякова Э.С. 1994, Лакоф Дж. 1987, Лебедева Л.А. 1999, Лукьянова Н.А 1986)

Шу муносабат билан лингвокультурологик муаммоларни ечиш турли тиллардан ажратиб олинган алоҳида тил воқеа ҳодисаларнинг солиштиришга уринишларини (бу нарса Б.Уорф ва унинг издошлари томонидан айниқса кўп амалга оширилган) методик жиҳатдан тўғри қилинган деб бўлмайди. Бу ерда, асосан, икки жиддий хато кўзга ташланадики, бу ҳолатни нафақат муаммони чуқур ўрганган мутахассис, балки оддий китобхон ҳам сезиши қийин эмас. Булар:

а) Биринчи хато – бу ўрганилаётган тил фактларини тушунчалар системасига эмас, балки бевосита моддий борлиқдаги мавжуд нарсалар билан қиёслашга уринишдир

б) Иккинчи хато – бу тилдаги у ёки бу бирликни ёки шаклларни тил тизимидан ташқарида таҳлил этиш, бошқача қилиб айтганда, таҳлилга тилнинг мураккаб механизмининг таъсир кўлами тортилмаслиги оқибатида бу ерда ҳукм сураётган лексик, грамматик ва бошқа воситаларнинг ўзаро бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги компенсацияси эътибордан бутунлай четга қолади.

Биринчи хато муаллифларни “дунёнинг лингвокультурологик модели мавжуд” деган хулосага олиб келади. Аслида эса тилшунос ҳар қандай тушунчани ифода эта олишга қодир умумий тил тизимида конкрет шаклларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериши керак эди.

² В.А. Звигенцев Язык и лингвистическая теория стр.174

Иккинчи хато эса тилнинг моҳиятини бузиб кўрсатишга олиб келадик, бунда тилнинг бутун бир тизим тарзида таҳлил қилиш мумкинлиги инкор этилади ва унда тилнинг фақат у ёки бу қисмлари тизимли олинган тарзда таҳлил қилинади ва бошқа тилларга ҳеч бир асосиз қиёсланади, инглиз тилидаги матнда ишлатилган ҳолатда сўзларни тасвирий воситалар билан таржима қилиниши эса ўзбекларнинг бу тушунчани ўз ақлига сиғдира олмаганлигини кўрсатади ёки ўзбек идрок ва тафаккури бу нарсани аввал ҳеч қачон учратмаганлигини билдиради.

Икки ёки ундан ортиқ тиллардаги сўзлар айрим маъноларини солиштирилганда ва маъноларнинг мос тушмаслик ҳолатларини кузатилганда, тилшунослар жуда умумлашган “ турли тилда сўзловчи халқларнинг тушунча аппарати турличадир” деган “оламшумул” хулоса чиқарадилар.

Тилнинг лексик модели томонидан олиб кириладиган кўшимча миллий субъектив ахборотнинг Сепир-Уорф гипотезаси бўйича дунёнинг лисоний манзарасига тил томонидан олиб кириладиган ўзига хос ахборот билан тенглаштириш нотўғридир. Чунки тилнинг лексик модели бу гипотеза доирасида нафақат лексик, балки грамматик томони билан ҳам боғлиқ бўлиб келган. Шунинг учун тилнинг лексик модели томонидан киритилаётган ахборот ичидан грамматик воситалар томонидан ифодаланган ахборотни чиқариб ташлаб бўлмайди.

Кўпгина тадқиқотчилар лингвокультурология ва Сепир-Уорф фаразига қайта-қайта мурожаат қиладилар. Лекин унинг ҳимоясига хизмат қиладиган на назарий ва на тажрибавий жиҳатдан далил топа оладилар. Таниқли олим Э.Леннеберг, Сепир-Уорф фаразининг тажрибавий тадқиқоти муҳокамасини яқунлар экан, “сўзнинг билиш устидан зўравонларча ҳукмининг жуда озгина исботи”³ деб хулоса чиқаришга мажбур бўлди.

Бу соҳада ўтказилган аниқ амалий тадқиқотлар ҳам ўтказилган тажрибаларнинг натижалари Сепир-Уорф фарази ўзининг классик шаклида ҳақиқатга тўғри келмаслигини кўрсатади.⁴

Миллий ўзига хосликни дунёнинг лисоний тасвирида эмас, балки инсон билиш фаолиятининг ўзига хослигидан қидириш керакки, бу нарса турли ҳил жўғрофий, тарихий, ишлаб чиқаришга алоқадор ва бошқа кўпгина омиллар билан чамбарчас боғлоқ бўлади. (Қаранг: Тўхтасинов И. 2004, Умаров Э. 1995, Урисон Э.В. 2003, Федорюк А.В.2001, Ҳақимова Г. 2008, Ҳамматова А.Ш. 1999, Харитончик З.А.1986, Чейф У.Л.1975, Шомаксудов А. 1983)

Айтиш керакки, тилнинг миллий ўзига хослиги ва унинг лингвокультурологик модели муаммосини инсон дунёқараши билан алоқада мантиқий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш анчайин спекулятив ҳарактерда бўлиб қолмоқда ва миллий тил-халқ тафаккури муаммосини назарий жиҳатдан ўрганишга ҳеч қандай аниқ-равшан хулосалар чиқаришга ёрдам бермайди. Лекин нутқнинг психолингвистик таҳлили онгнинг изоморф жараёни сифатида тилнинг ўзига хослигини тасдиқлайди. Аммо тилнинг тафаккурга нисбатан диктаторлик ролини бажаришини тасдиқламайди.

Бундай ҳолатларда кўпинча бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилиш жараёнида у ёки бу фикрнинг жилоларини бера олишда юзага келадиган қийинчиликлар ҳақидаги ҳамда таржимада тилнинг “руҳияти” йўқолиши ҳақидаги, кўпинча назмий асарларни таржима қилишда кузатиладиган турли ҳолатлар юқоридаги фаразнинг исботи сифатида келтирилади.

Уларнинг барчаси методологик жиҳатдан нотўғридир, чунки исботлаш методини тилга тадбиқ этиб бўлмайди, ҳамда киришда берилла-ётган ва чиқишда олинаётган ахборотлар турли қатлам ва кўламга тегишли бўлгани учун ҳукм – хулосаларнинг тўғрилигига қўйиладиган бирламчи мантиқий қоидаларга ҳилоф келади. Масалан, немис тилида артиклнинг мавжудлиги факти немисларнинг предметларни жинсига алоқадор қандайдир белгиларига қараб қабул қиладиган хулосаи бермайди.

Ўзбек, рус тилларидаги “қўл” сўзининг инглиз тилида “hand”, “arm” сўзлари билан билдирилиши, ўзбек тилидаги “каптар” ва “мусича” сўзлари-нинг немис тилида битта “taube” сўзи билан берилиши немисларнинг каптар ва мусича каби турлича бўлган икки қушни бир-биридан ажрата олмайди, деган хулосага олиб келмаслиги мумкин. Чунки, амалда ўзбеклар каптар ва мусичанинг фарқига қандай етса, немислар ҳам худди шундай етади. (Қаранг: Маслова В.А.2004,

³ E.Lenneberg, J. Roberts. The Language of Experience, Bloomington, 1996, p.354

⁴ Буй Динью Ми. Взаимоотношение языка. Культуры и национальной специфики психики в познавательной деятельности, Автореф.Канд.Дисс.1973, стр 25

Мусленко В.П. 1989, Миртожиев М.2008, Матякубов Ж.И.1996, Нейматов Х.1995, Опарина Э.О.1999, Родионова С.Э. 1992, Радченко Г.И. 2007)

Ўзбек тилидаги “билмоқ” сўзи немис тилидаги “wissen”, “kennen” феъллари билан берилиши немисларнинг ўзбекларга қараганда кўпроқ билишини, ёки бўлмаса билишнинг турли хилларини англашларини кўрсатади деб бўлмайди. Бу эса тил ва тафаккур ўртасидаги алоқанинг характерини қайси бири белгилайди? Тилми ёки тафаккурми? деган саволга жавоб беришда кўпчилик “тафаккур” деб жавоб беришади. Аммо айримлар “тил” деб жавоб беришади. Муносабат 90/10 пропорциясида бўлса керак ўша 10% ни Сепир ва унинг издошлари ташкил қилади. Аммо, озчилик ҳар доим ҳам янглишган, хато қилаётганлар бўлиб чиқмайди.

Бизнингча тилнинг ҳам, тафаккурнинг ҳам ўз мантиғи борки, мана шу мантиқ тилларни бир – биридан фарқлайди. Халқлар орасидаги тафаккур бир хил, унинг мантиғи бир хил. Халқлар тили ҳар хил ва улардаги тилнинг мантиғи ҳам ҳар хил. Мантиқ сўзи танлашни белгилайди. Мантиқни тафаккур белгилайди. Демак, тафаккур бирламчидир.

Фойдаланилган адабиёт

1. М.Ноліқова Milliy mentalitet va uning til kartinasi bilan o'zaro bog'liqligi-“Til va adbiyot ta'limi”- 2002, 6-son 23-27 betlar
2. В.А. Звигенцев Язык и лингвистическая теория стр.174
3. E.Lenneberg, J. Roberts. The Language of Experience, Bloomington, 1996, p.354
4. Буй Динью Ми. Взаимоотношение языка. Культуры и национальной специфики психики в познавательной деятельности, Автореф.Канд.Дисс.1973, стр 25